

ЭСКИ ТЕРМИЗ ТАРИХИ ВА ТАДҚИҚИГА ДОИР

ТерДУ қошидаги 2-сон Академик лицейи тарих фани ўқитувчиси

Абдухакимова Дилжахон Болтаевна

Аннотация: Ушбу мақолада Эски Термизнинг ўрганилиш тарихи, даври, илмий аҳамияти ҳамда ушбу ёдгорликлардан топилган ноёб ашёлар сақланиш ҳолати ва туризмни ривожлантириш борасида ҳал қилиниши зарур бўлган айрим масалалар ҳақида фикрлар келтирилган.

Аннотация: В данной статье представлены история, период, научная значимость изучения Старого Термеза, а также некоторые вопросы, которые необходимо решить в плане сохранения уникальных объектов, обнаруженных в этих памятниках, и развития туризма.

Калит сўзлар: Эски Термиз, Бақтрия, Чингизтепа, Б.П.Денике, М.Е.Массон, Б.Я.Ставиский, Л.И.Альбаум, Ш.Р.Пидаев, Т.Аннаев, Қоратепа.

Ключевые слова: Старый Термез, Бактрия, Чингизтепа, Б. П. Денике, М. Э. Массон, Б. Я. Ставиский, Л. И. Альбаум, Ш. Р. Пидаев, Т. Аннаев, Каратепа.

Умумий майдони 500 гектардан иборат Эски Термиз археологик ёдгорликлар мажмуи милoddан аввалги VI-IV асрлардан тортиб XIII асрга қадар даврни ўз ичига олади. Эски Термиз ёдгорлигида 1926 йилдан бошлаб ҳозирга қадар Б.П.Денике, М.Е.Массон, Б.Я.Ставиский, Л.И.Альбаум, Ш.Р.Пидаев, Т.Аннаев, ўзбек француз Бақтрия экспедицияси (П.Аннаев, Ш.Пидаев, П.Лериш), Ўзбекистон-Япония Қоратепа экспедицияси (Ш.Пидаев, Като Кундзо) амалга оширилган археологик қазув ишлари туфайли бу қадимги шаҳарнинг баъзи бир иншоатлари тўлиқ ўрганилди (Фаёзтепа буддавийлик монастири) ёки Қоратепа буддавийлик монастирлари мажмуи, Катта ва кичик Чингизтепаларнинг катта қисмларини ўрганишга муваффақ бўлинди. Эски Термиз ёдгорликлари мажмуидан топилган ҳунармандчилик, бадий санъат, меъморчилик ва тангалар ҳозирда ватанимизнинг Ўзбекистон тарихи давлат музейи (Тошкент шаҳри), Самарқанд музей-қўриқхонаси, Термиз Археология музейи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институтида (Самарқанд шаҳри) ҳамдўстлик мамлакатларидан Россия Федерациясининг Москвадаги Шарқ давлат музейи ва Санкт-Петербургдаги давлат эрмитажи кўргазма залларида намойиш қилинади ва сақланади. Давримизда маданий мерос иншоатларини шу жумладан Эски Термиз ёдгорликларини сақлаш, қолаверса асл қиёфасини ўзгартирмасдан таъмирлаш энг долзарб муаммолар сирасига киради. Собиқ Совет тузуми даврида Эски Термиз ёдгорликларини ўрганиш ишига бутун Ўзбекистонда бўлганидек бир ёқламалик билан ёндашилди. Хусусан, Эски Термизнинг буддавийлик монастирлари мажмуи ҳисобланган Қоратепада 1961-1994 йиллар оралиғида Москванинг Шарқ

маданиятлари музейи, Ленинграддаги Давлат Эрмитажи каби илмий муассасаларнинг Б.Я.Ставиский раҳбарлигидаги бирлашган экспедицияси археологик тадқиқотлар олиб борди. 30 йилдан ортиқ давр мобайнида тўпланган бадиий санъат ва моддий маданият намуналари, айниқса сопол идишларга битилган қадимги бақтрия, қадимги ҳинд (брахма, кхароштҳи) ёзувлари намуналарининг барчаси Москва ва Санкт-Петербург музейларини тулдириш учун олиб кетилди. Қоратепа буддавийлик монастирлари мажмуида қазиб очилган иншоатларни сақлаш борасида эса амалда бирон-бир тадбир амалга оширилмади. 1968-1976 йилларда Л.И.Альбаум томонидан ўрганилган Эски Термизнинг яна бир буддавийлик монастирида амалга оширилган қисман тиклаш ва таъмирлаш ишлари замон талаби даражасида бажарилмади. 1980 йиллар ўртасида Эски Термиз ёдгорликлари мажмуининг шарқий ва шимолий тарафларини ўзлаштириш оқибатида бу қадимий шаҳар ҳудудида Сизот сувларининг юқорига кўтарилишига олиб келди. Мустақиллик йилларидан бошлаб Эски Термиз ёдгорликлари мажмуини ўрганиш, сақлаш ва музейлаштириш борасида батамом ўзгача ижобий муносабат шаклланди. 1994 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти ва Франция илмий тадқиқотлар Миллий марказининг Экол Нормал Суприер археологик гуруҳи ҳамкорликда ташкил этган Бақтрия археологик экспедицияси (раҳбарлар: Т.Аннаев, 1997 йилга қадар, Ш.Пидаев, П.Лериш) Эски Термиз ёдгорликлари мажмуида кенг кўламда археологик қазув ишларини амалга оширишга киришдилар. 1998 йилдан Қоратепа буддавийлик монастирлари мажмуида Ўзбекистон Республикаси Ф.А. Археология институти, Буюк ипак йўли халқаро академияси (Токио, Япония) Ўзбекистон-Япония Қоратепа археологик экспедицияси (раҳбарлар: Ш.Пидаев, Като Куидзо) археологик гуруҳлар томонидан Эски Термиз ёдгорликлари мажмуида амалга оширилган археологик тадқиқотлари ўз моҳияти ва мазмунига кўра, собиқ совет даврида амалга оширилган тадқиқотларда тубдан фарқ қилади.

БУЛАР ҚУЙИДАГИЛАРДИР:

1.Халқаро гуруҳ тадқиқотлар натижасида тўпланган барча ашёвий манбалар ватанимиз ҳудудида қолдирилди.

2.Қазиб очилган иншоатларни емирилишдан сақлаш мақсадида бу иншоатлар махсус ёпилди ёки уларнинг устки қисмлари консервация қилинди. Бу каби ишлар Эски Термизнинг “Катта ва Кичик Чингизтепа” ёдгорлигида ва айниқса Қоратепа буддавийлик монастирлари мажмуида амалга оширилди. Эски Термиз ёдгорликлари мажмуини сақланиш ҳолатини янада яхшилаш мақсадида 1996 йилда қадимги шаҳар атрофи бўйлаб 1500 метрли Сизот сувларини қочиришга мўлжалланган зовур қазилиши жуда муҳим бўлди. Мустақиллик йилларида Эски Термиз ёдгорликлари мажмуидаги буддавийлик монастирларидан бири Фаёзтепани сақлаш, қисман таъмирлаш ва обидани сайёҳлик марказига айлантириш таъмирлаш ва обидани сайёҳлик марказига айлантириш борасида муҳим ишлар амалга

оширилди. Фаёзтепада 2004-2006 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Япония Траст фонди, ЮНЕСКО ҳамкорлигида Фаёзтепа буддавийлик монастири археологик жиҳатдан қайта ўрганилди, қисман таъмирланди. Айниқса, обида ёнида сайёҳларга мўлжалланган мўъжаз бинонинг барпо этилиши ва унда Файзтепа ҳақида кўргазмаларнинг намоёни этилиши Эски Термизни сайёҳлик масканига айлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Эски Термиз нафақат археология балки меъморий иншоотларни ҳам ўзида мужассам этган қадимий шаҳар, Мустабид совет тузуми даврида бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Эски Термизнинг бир қанча меъморий ёдгорликлари вайрон қилинди ёки текисланди. (Варроқ Термизий мақбараси, Чор-Сутун минораси ва масжиди, Термиз шоҳлар саройи ва ҳ.к) Қадимги шаҳар ҳудудида сақланиб қолган ягона меъморий иншоотлар ал-Ҳаким ат-Термизий архетиктура ёдгорлиги ҳисобланади. Мустабид совет тузуми даврида бу мақбара сим тўр билан ўраб олинган бўлиб, уни зиёрат ёки томоша қилиш айрим шахсларгагина насиб этган эди. Мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ ал Ҳаким ат-Термизий мақбараси барча зиёратчи ва сайёҳлар учун очилди. Мақбарада эса босқичма-босқич таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширила бошланди. 2006-йилдан буён Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги лойиҳаси асосида Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси мажмуасини тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Эски Термиз ҳудудида амалга оширилган бу каби ишлар бу қадимий шаҳарни халқаро сайёҳлик масканларидан бирига айлантиришда муҳим аҳамият касб этади¹¹⁶.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хмелницкий. Архетиктура Средней Азии. Рига Берлин. 2000. Стр 37
2. Пидаев Ш.Р. Қадимий Термиз. Т., 2001. 5-35 бет
3. Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т. 2002. 3-5 бетлар.
4. Холиқов З.Э. Термиз и Чаганиан в позднем средневековье. (по археологическим и письменным источникам автореферат дисс. к.и.н.). 2001.
5. Рахмонов Ш. Железная ворота. Т., 2003.
6. Отчет Узбекско-Французской Бактрийской экспедиции за 2011 года. Париж. 2012.

¹¹⁶ Холиқов З.Э. «ЭСКИ ТЕРМИЗ ЁДГОРЛИКЛАР МАЖМУИНИ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ МАСКАНИГА АЙЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ». Термиз археология музейининг 20 йиллик юбилейи муносабати билан “ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИ ВА АРХЕОЛОГИЯСИ” илмий конференцияси (Тарих, археология, туризм, этнография ва ижтимоий соҳаларга оид илмий, илмий-оммабоп мақолалар тўплами).